ТОХТАЕВ Гайратилло Шухратилло оглы

PhD

Ташкентский государственный медицинский университет

ЗНАЧЕНИЕ ТЕМПЕРАТУРЫ В ЭТИОЛОГИИ И СОВРЕМЕННОЙ ЛАБОРАТОРНОЙ ДИАГНОСТИКЕ ДЕРМАТОМИКОЗОВ

АННОТАЦИЯ

Цель исследования: изучение температурного диапазона для культивирования патогенных грибковых возбудителей в питательной среде, приготовленной на основе местных ингредиентов.

Материалы и методы исследования: В ходе научного исследования был изучен температурный диапазон патогенного материала (соскобы кожи, инфицированные волосы и ногтевые пластинки), полученного от 250 пациентов, в локальной питательной среде культуральным методом в отношении возбудителей грибковых заболеваний кожи.

Результаты: Разработана недорогая и высокопродуктивная питательная среда для ежедневного использования в бактериологических лабораториях всех лечебно-профилактических учреждений (филиалов Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра дерматовенерологии и косметологии, частных лабораторий), расположенных на территории нашей республики.

Заключение: Исследования, проведенные по изучению температурного диапазона при прорастании дерматофитов, показали, что для прорастания каждого возбудителя дерматомикоза в питательной среде необходим определенный оптимальный температурный диапазон.

Ключевые слова: дерматомикоз, грибы, температура, лаборатория, питательная среда.

ИМАМОВ Отабек Суннатович

Д.м.н., доцент

Тошкент давлат тиббиёт университети

МАХМУДОВ Шерзод Хасанович**ДЖУМАЕВ Нормурод Давлатович**

PhD

БАХОДИРОВА Шахло Бахориддиновна

Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий амалий тиббиёт маркази Тошкент вилояти филиали

ТОХТАЕВ Гайратилло Шухратилло ўғли

PhD

Тошкент давлат тиббиёт университети

ДЕРМАТОМИКОЗЛАР ЭТИОЛОГИЯСИ ВА ЗАМОНАВИЙ ЛАБОРАТОРИЯ ТАШХИСОТИДА ҲАРОРАТНИНГ АҲАМИЯТИ

АННОТАЦИЯ

Тадқиқот мақсади: Асоси маҳаллий ингредиентлардан ташкил топган озик муҳитида патоген замбуруғ кўзгатувчиларларини ундиришда ҳароратнинг интервали ўрганилди.

Материаллар ва тадқиқот усуллари: Илмий тадқиқот ишлари бажарилиш жараёнида 250 нафар бемордан олинган патологик материал (тери қирмаси, зарарланган соч толаси ва тирноқ

пластинкалари) терининг замбуруғли касалликлари кўзгатувчиларига маҳаллий озик муҳитида културал услубда ҳароратнинг интервали ўрганилди.

Натижалар: Республикамиз худудида жойлашган барча даволаш профилактика (Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий амалий тиббиёт маркази филиаллари, хусусий лабораториялар) муассасалари таркибидаги бактериологик лабораториялар кундалик амалиётида ишлатиш учун арзон ва унумдорлиги юқори озик муҳит яратилди.

Калит сўзлар: дерматомикоз, замбуруғлар, ҳарорат, лаборатория, озик муҳит.

Дерматомикозлар бутун дунё бўйлаб миллионлаб одамларга таъсир қилувчи юқумли тери касалликларининг энг муҳим гуруҳларидан бири бўлиб қолмоқда [10]. Улар орасида *Trichophyton*, *Microsporum* ва *Epidermophyton* авлоди дерматофитлари кўзгатадиган трихофития, микроспория ва эпидермофития касалликлари алоҳида ўрин тутди. [1] Ушбу касалликлар юқори контагиозлиги, клиник кўринишининг яққол ўзгарувчанлиги ва сурункали кечиш қобилияти билан тавсифланади, бу эса ўз вақтида ташхис қўйишни мураккаблаштиради [28]. Дерматомикозларни аниқлашнинг анъанавий усуллари - натив микроскопия, културал таҳлил ва дерматоскопия - бир қатор чекловларга эга, шу жумладан натижаларнинг мутахассис тажрибасига боғлиқлиги, лаборатория босқичининг давомийлиги ва сохта салбий натижалар хавфи мавжуд [34]. Микроспория, трихофития ва эпидермофития ташхисини тасдиқлаш учун инструментал ва лаборатория тадқиқот усуллари қўлланилади [5]. Бироқ, микроскопик услубнинг сезгирлиги 80,0% ни ташкил қилади [25]. Културал услуб дерматомикозларни ташхислашда "олтин стандарт" ҳисобланади, бу услуб кўп меҳнат талаб қилади, тадқиқот натижалари 3-4 ҳафтадан кейин олинади, бу эса ташхислаш даврини узайтиради [11;25;]. Сўнги йилларда дерматомикозларнинг диагностикасида полимераз занжир реакцияси услуги тобора кенг тарқалмоқда, бу кўзгатувчини юқори аниқлик ва қисқа вақт ичида аниқлаш имконини беради. Полимераз занжир реакцияси (ПЗР) дерматофитлар ДНКсининг минимал миқдорини аниқлашни таъминлайди ва юқори сезгирлиги (95-100% гача) ва ўзига хослиги билан ажралиб туради [16]. ПЗРнинг асосий афзалликларига қуйидагилар киради: замбуруғни ҳатто минимал миқдордаги биоматериал билан ҳам аниқлаш имконини берувчи юқори аналитик сезгирлик [32], тезкор натижа (24 соат ичида), бу терапияни эрта бошлашга ёрдам беради [31], *Trichophyton*, *Microsporum*, *Epidermophyton* авлодига мансуб дерматофитларни аниқ турларга ажратиш имконияти. Манфий култураларда, айниқса қисман даволанишдан кейин ёки кўзгатувчининг секин ўсишида информативлик [19]. Бироқ, ПЗРнинг бир қатор камчиликлари ҳам мавжуд бўлиб, улар орасида замбуруғнинг тирик хужайраларини парчаланган хужайралардан ажрата олмаслик, бу эса ўтказилган терапиядан кейин нотўғри ижобий натижаларга олиб келиши мумкин [33], тадқиқот сезгирлигини пасайтиришга қодир бўлган реакция ингибиторларининг (қон, йиринг, тирноқ пластинкасининг шох қатлами) таъсири, преаналитик босқич бузилганда контаминация хавфи ва сохта ижобий маълумотлар олинishi [31], лабораториялар ўртасида усулларнинг тўлиқ стандартлаштирилмаганлиги, мураккаб ҳолатларда турга мансублигини аниқлаш учун амплификацияланган фрагментларни кетма-кетлаштириш зарурати [32]. Дерматоскопия тери касалликларини ташхислашда самарали восита ҳисобланади, аммо терининг замбуруғли касалликларини ташхислашда ушбу усулдан фойдаланиш самарадорлиги кўрсатилган ягона тадқиқотлар мавжуд [30]. Бинобарин, аҳоли орасида замбуруғли тери касалликларининг эпидемиологик ҳолатини, уларнинг клиник кўринишларининг замонавий хусусиятларини ўрганиш, шунингдек, дерматомикозларни ташхислашда янги инструментал тадқиқот усулларининг самарадорлигини баҳолаш илмий ва амалий қизиқиш уйғотади.

Дерматомикозлар инглиз тилидаги илмий адабиётларда ringworm ёки tinea (инглизча "ring"-думалоқ ёки халқасимон; "worm"-қурт, илон); ringworm терининг патоген замбуруғлар билан халқасимон шаклда контагиоз зарарланиши; лотинча "tinea"-терининг, айниқса, бош сочли қисмининг замбуруғли касаллигидир. Бу одам ва ҳайвонлар кератин

сақловчи тўқималари (тери, майин туклар, соч ва тирноқлар)нинг замбуруғ инфекциялари билан зарарланишидир [14;20.]. Терининг замбуруғли касалликлари кўзгатувчилари дерматофитлар (грекча “derma” – тери, “phyton” - ўсимлик) деб аталади [13;21.].

Дерматомикоз кўзгатувчилари ўзининг кератиназа ферментининг фаоллиги ҳисобига одам ва ҳайвонлар кератин сақловчи тўқималарини зарарлайди. Дерматомикозлар замбуруғ-космополитлар ҳисобланиб, ер шарининг барча ҳудудларида тарқалган. [4;29.].

Замбуруғларнинг патоген турлари одам ва ҳайвонларда касаллик келтириб чиқарадиган микроорганизмларнинг катта гуруҳини ташкил этади. Улар озикланиши ва паразитлик қилиш хусусиятига кўра, антропофил (одамларда паразитлик қилувчи), зоофил (ҳайвонларда паразитлик қилувчи) ва геофил (тупроқда яшовчи) замбуруғларга бўлинади [17; 24.].

Замбуруғлар қуруқликда ўсадиган, табиатда кенг тарқалган тубан ўсимликлар бўлиб, хлорофиллдан маҳрум. Улар хлорофиллдан маҳрумлиги туфайли ҳаво углеродидан органик моддаларни синтез қила олмайдилар ва шу сабабдан уларни тайёр ҳолда оладилар. Паразит шакллари ўсимлик ва ҳайвон қолдиқлари билан озикланади. Патоген замбуруғларнинг кўпчилиги дейтеромицет синфига киради. Уларнинг гифлари септали бўлиб, вегетатив ҳамда конидийлар (экзоспоралар) ёрдамида жинсиз кўпаяди. Булар ўз навбатида синф, тартиб, оила, тур ва штаммларга бўлинади. Шулардан айримлари сапрофитлар, баъзилари ўсимликлар, ҳайвонлар ва одамларда касаллик келтириб чиқаради, яъни патогендир. Замбуруғлар ёш културасининг ҳужайраси думалок, тухумсимон, етилган ҳужайралари эса ноксимон, дуксимон ва амёбага ўхшаш бўлиши мумкин. Кўпчилиги эса цилиндрик ҳужайраларининг бирлашишидан мицелий ҳосил қилади. Замбуруғлар тузилиши бўйича сув ўтларига ўхшаш бўлиб, бир ёки бир неча ядро, ҳужайра девори ва цитоплазматик мембранадан иборат. Ёш култураларнинг цитоплазмаси гомоген бўлиб, етилганларида дончалардан ташкил топган. Цитоплазмасида митохондрия, Гольжи аппарати, вакуола, турли киритмалар (гликоген, волютин, липид, органник тузларнинг кристаллари, пигментлар) бор [15; 26].

Замбуруғ вегетатив танаси тармоқланган мицелий кўринишида, яъни озикланиши субстрати устига ёки ичига таралиб, учидан ўсадиган иплар- гифлардан иборат. Тубан даражали замбуруғларда тармоқлар сегментларга бўлинмаган, юқори даражали замбуруғларда кўндаланг сегментларга бўлинган. Замбуруғ мицелийси ўзининг массаси билан субстратга ботиб туради, у озик моддаларни шу субстратдан осмотик йўл билан қабул қилади [12; 27.].

Замбуруғлар асосан спора ҳосил қилиб бўлиниб, куртакланиб ва ўсиш йўли билан кўпаяди. Қулай шароитда споралар ўсиб найчалар ҳосил қилади, булар ўз навбатида узайиб иплар (гифлар)га айланади. Кейинчалик гифларда кўндаланг тўсиқ пардалар, яъни септалар ҳосил бўлади. Улар асосан юксак даражали замбуруғларда бўлиб, септали гифлар дейилади. Содда замбуруғлар гифларида септалар бўлмайди, шунинг учун улар септасиз гифлар дейилади. Спора ҳосил қилиш фақат кўпайиш вазифасини бажарибгина қолмай, балки замбуруғларнинг ташқи муҳитда тарқалишига сабаб бўлади [9; 23.].

Замбуруғларнинг спора ҳосил қилувчи қисми спорафоралар дейилади. Споралар ташқи ва ички бўлади. Ташқи споралар экзоспоралар ёки конидия деб аталади. Кўпчилик споралар конидиофор ёки конидия тутувчилар дейилади. Конидийларнинг сони, катталиги, шакли, тузилиши ҳар хил замбуруғларда турлича бўлади. Спорафораларнинг учларида эркин споралар юзага келса, бу экзоспоралар деб аталади.

Ички ёки эндоспоралар жинсий жараён натижасида юқори даражали (етилган) замбуруғларда пайдо бўлиб, аскалар (аскомицетлар)дан спорогияларгача (мукор ва бошқалар) етилиб боради. Тубан даражали (етилмаган) замбуруғларда эса таллоспоралар бўлиб, улар мицелийлардаги айрим шохчаларнинг маҳсус спораларга (артоспора, бластоспора, конидий, алейри, гемиспораларга) айланиши натижасида ҳосил бўлади.

Умуман барча замбуруғларнинг юздан ортиқ тури патоген, қолганларининг асосий қисми эса шартли патоген ҳисобланади. Улар тузилиши жиҳатдан тубан ўсимликлар туркумига мансуб. Замбуруғлар табиатда кенг тарқалган бўлиб, асосан нам тупроқда, сув

хавзаларида, ҳавода, ўсимликлар, дарахтлар танасида, хайвонлар оламида ва ниҳоят инсонлар орасида учрайди [18].

Патоген замбуруғларнинг аксарият турлари анаэроб муҳит, яъни кислород кам шароитни хуш кўради. Уларнинг яшаши учун албатта азот, углевод ва минерал моддалар зарур бўлиб, улар учун қулай муҳит шароити рН=6,0-6,4 ни, мўътадил ҳарорат эса 22⁰ - 37⁰С ни ташкил этади. Замбуруғлар думалок, чўзинчоқ, найсимон, шохсимон шаклларга эга бўлиб, улар таналарининг, яъни мицелийларининг узунлиги 4-5 мкм дан 60-70 мкмгачани ташкил этади.

Замбуруғларнинг яшаши, кўпайиши ва фаолият кўрсатиши учун уларга қулай бўлган шароитлар, жумладан нисбатан паст ҳарорат, қоронғулик, намлик, кислородсиз муҳит ва углеводларнинг кўп бўлиши талаб қилинади. Аксинча, курук ҳарорат, ёруғлик, кислородга бой шароит ва иссиқликнинг юқори бўлиши ноқулай ҳисобланади. Улар сунъий экиш майдонларида, яъни озик муҳитларда ўзига хос бўлган колониялар ҳосил қилиш хусусиятларига эга [22; 34].

Шундай қилиб, ўз вақтида эрта ташхис қўйиш муваффақиятли соғайиш эҳтимоллигини сезиларли даражада оширади, шунинг учун бошиданоқ замбуруғ инфекцияси борлигини тахмин қилиб, беморни микологик текширувлардан ўтказиш керак. Дерматомироз кўзгатувчиларини зарарланган тери ёки унинг ортиқларидан замбуруғларни аниқлаш аниқ ташхислаш учун зарур бўлган имконни беради. Молекуляр-генетик, биокимёвий ва иммунологик технологияларининг ривожланиши замбуруғ инфекцияларини лаборатор ташхисотида кенг қўлланила бошланди. Аммо микотоксинларни индикацияси, микотоксикозлари ва замбуруғларнинг токсикоинфекцияларини қолаверса, этиологик омилнинг морфобиологик антимикотик хусусиятларини тўлиқ ўрганиш учун озик муҳитларда патогенларнинг културасини ажратиш олиш зарур. Бунинг учун замбуруғ кўзгатувчиларини ундирмоқ керак [3; 6; 8].

Ҳарорат микология амалиётида энг самарали ва кенг қўлланиладиган омил ҳисобланади. Ҳарорат таъсиридан турли мақсадларда фойдаланилади: замбуруғ кўзгатувчиларини озик муҳитларда ундириш, уларнинг ўзгарувчанлигини аниқлаш ва дерматофитлардан махсус антигенларни олиш, шунингдек текширувлардан сўнг уларни нобуд қилишда фойдаланилади. Ҳарорат озик муҳитидаги замбуруғлар културалари ва патологик материаллардаги дерматомироз кўзгатувчиларига жуда хилма-хил таъсир кўрсатади [7]. Оптимал ҳароратнинг ўзгариши дерматофитларнинг морфологик, пигментация ва ўсиш фаоллигининг ўзгаришига олиб келади. Дерматофитлар одамлар учун патоген бўлган бошқа микроорганизмлардан фарқли ўлароқ инсон қонидан паст ҳароратда яхши ўсади [4]. Дерматофитларнинг ҳар бир тури учун оптимал ҳарорат талаб этилади [2].

Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий амалий тиббиёт маркази Тошкент вилояти филиали микология лабораториясига 2024-2025 йилларда терининг замбуруғли касалликлар билан мурожаат қилган 250 нафар беморлар зарарланган териси ва тери ҳосилаларидан (соч, тирноқ) олинган патологик материаллар микроскопик ва културал услубларда патоген замбуруғларнинг турлари учун оптимал ҳарорат интервалини аниқлаш учун текширилди. Дастлабки клиник ташхис марказ филиал мутахассислари томонидан қўйилди. Асосини белгилловчи этиологик ташхис эса микология лабораториясида патоген замбуруғлар микроскопик аниқланганидан сўнг қўйилди. Илмий тадқиқот ўтказилган 250 нафар беморларнинг 181 нафарини (72,2%) Тошкент вилояти ва 69 нафарини (27,8%) Тошкент шаҳри аҳолиси ташкил қилди. Дерматофитларнинг микроскопик ва културал диагностикаси учун патологик ўчоқдан биологик материаллар учун тери қирмаси 58 нафар бемордан, сочлар 64 нафар бемордан ва тирноқлар 28 нафар беморлардан олинди (1-жадвал).

1-жадвал

Микроскопик ва културал текширувлар учун олинган биологик материаллар (Мутлоқ сон ва фоизларда)

Ҳудуд	Биологик материал	Мутлоқ сони	Фоизларда
Тошкент шаҳри	Тери қириндиси	15	5,8

(n=69)	Сочлар	50	19,8
	Тирноқлар	4	1,5
Тошкент вилояти (n=181)	Тери қириндиси	46	18,6
	Сочлар	126	50,8
	Тирноқлар	9	3,5
	Жами	250	100%

Беморлардан олинган патологик материаллар таркиби маҳаллий озиқ муҳити (Ихтиро патенти №JAR 07071.22-08-2022 й.) га културал текширувлар учун бактериологик эзма қилинди ва термостат ҳамда музлаткичларга жойлаштирилди. Дерматомикоз кўзгатувчиларининг ҳар бир турларини културал диагностикасида оптимал ҳарорат интервалини аниқлаш учун термостат ва музлаткичлардаги ҳарорат даражаси +5⁰С дан +45⁰С гачани ташкил қилди. Комплекс лаборатор тадқиқотларда аниқланган (ундирилган) патоген замбуруғлар колонияларининг кейинги ўсиш хусусиятлари назоратга олинди.

Бизнинг тадқиқотларимизда оёқ микози ва онихомикоз касалликларининг асосий кўзгатувчиси бўлган *Trichophyton rubrum* тақлиф қилинган озиқ муҳитида 10⁰С ва ундан паст ҳамда 40⁰ С ва ундан юқори ҳароратда умуман ўсмаслиги, 11⁰ - 25⁰С ва 36⁰ - 40⁰ С ҳароратда секин ўсиши, уларнинг аксарият қисми 10⁰Сдан паст ва 40⁰Сдан юқори ҳароратда умуман ўсмаслиги, улар учун оптимал ўсиш ҳарорати 25⁰ - 35⁰ С эканлиги аниқланди (2-жадвал).

2-жадвал

***Trichophyton rubrum* кўзгатувчиларини ундиришда ҳароратнинг интервали**

Дерматофит турлари	Ҳарорат интервали	Ўсиш бермади		Секин ўсди		Яхши ўсди	
		М.с.	Ҳоиз	М.с.	Ҳоиз	М.с.	Ҳоиз
<i>Trichophyton rubrum</i> (n=31)	5 ⁰ -10 ⁰ С	31	100%	0	0%	0	0%
	10 ⁰ -15 ⁰ С	25	82,0%	2	8%	0	0
	16 ⁰ -25 ⁰ С	7	22%	22	70%	2	8%
	26 ⁰ -35 ⁰ С	0	0	6	18%	25	82%
	36 ⁰ -40 ⁰ С	17	56%	8	26%	6	18%
	40 ⁰ -45 ⁰ С	31	100%	0	0%	0	0%

Бошнинг сочили қисми ва қов соҳаси инфилтратив-йирингли трихофития касалликларининг асосий кўзгатувчиси бўлган *Trichophyton faviforme* тақлиф қилинган озиқ муҳитида 10⁰С ва ундан паст ҳамда 40⁰С ва ундан юқори ҳароратда умуман ўсмаслиги, 11⁰- 25⁰С ва 36⁰ - 40⁰С ҳароратда секин ўсиши, улар учун оптимал ўсиш ҳарорати 26⁰- 32⁰С эканлиги аниқланди (3-жадвал).

3-жадвал

***Trichophyton faviforme* кўзгатувчиларини ундиришда ҳароратнинг интервали**

<i>Trichophyton faviforme</i> (n=36)	5 ⁰ -10 ⁰ С	36	100%	0	0%	0	0%
	5 ⁰ -15 ⁰ С	33	93%	3	7%	0	0
	16 ⁰ -25 ⁰ С	3	9%	28	78%	5	13%
	26 ⁰ -35 ⁰ С	0	0	6	17%	30	83%
	36 ⁰ -45 ⁰ С	23	63%	10	28%	4	10%
	40 ⁰ -45 ⁰ С	36	100%	0	0%	0	0%

Чов соҳаси эпидермофитияси касаллигининг асосий кўзгатувчиси бўлган *Epidermophyton floccosum* тақлиф қилинган озиқ муҳитида 10⁰С ва ундан паст ҳамда 40⁰ С ва ундан юқори ҳароратда умуман ўсмаслиги, 11⁰- 25⁰С ва 36⁰ - 40⁰ С ҳароратда секин ўсиши, улар учун оптимал ўсиш ҳарорати 25⁰- 31⁰С эканлиги аниқланди (4-жадвал).

Epidermophyton floccosum қўзғатувчиларини ундиришда ҳароратнинг интервали

Epidermophyton floccosum (n=28)	5 ⁰ -10 ⁰ C	28	100%	0	0%	0	0%
	5 ⁰ -15 ⁰ C	25	90%	3	10%	0	0
	15 ⁰ -25 ⁰ C	4	14%	20	72%	4	14%
	26 ⁰ -35 ⁰ C	0	0	4	14%	25	86%
	36 ⁰ -45 ⁰ C	17	59%	11	38%	1	3%
	40 ⁰ -45 ⁰ C	28	100%	0	0%	0	0%

Бошнинг сочли қисми ва силлиқ тери микроспорияси касалликларининг асосий қўзғатувчиси бўлган *Microsporum canis* тақлиф қилинган озик муҳитида 10⁰С ва ундан паст ҳамда 40⁰С ва ундан юқори ҳароратда умуман ўсмаслиги, 11⁰С- 25⁰С ва 36⁰С - 40⁰С ҳароратда секин ўсиши, улар учун оптимал ўсиш ҳарорати 27⁰-32⁰С эканлиги аниқланди (5-жадвал).

Microsporum canis қўзғатувчиларини ундиришда ҳароратнинг интервали

Microsporum canis (n=35)	5 ⁰ -10 ⁰ C	35	100%	0	0%	0	0%
	5 ⁰ -15 ⁰ C	32	91%	3	9%	0	0
	15 ⁰ -25 ⁰ C	5	14%	28	81%	2	5%
	26 ⁰ -35 ⁰ C	0	0	6	16%	29	84%
	36 ⁰ -45 ⁰ C	21	60	12	33%	2	7,0%
	40 ⁰ -45 ⁰ C	35	100%	0	0%	0	0%

Дерматофитларни ундиришда ҳарорат интервалини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар озик муҳитида ҳар бир дерматомикоз қўзғатувчиларини ундириш учун оптимал ҳарорат интервали бўлиши лозимлигини кўрсатиб берди. Шу билан бирга, озик муҳитида терининг замбуруғли касалликлари қўзғатувчилари ҳароратнинг маълум интервалларида секин ўсиши ёки маълум интервалларда умуман ўсиш бермаслиги аниқланди.

REFERENCES | СНОККИ | IQTIBOSLAR:

- Alonzo, T. A., & Pepe, M. S. (1999). Using a combination of reference tests to assess the accuracy of a new diagnostic test. *Statistics in Medicine*, 18(22), 2987–3003.
- Anane, S., Aoun, K., Zallagua, N., & Bouratbine, A. (2001). Onychomycosis in Tunis area: Epidemiological and mycological data. *Annales de Dermatologie et de Vénérologie*, 128(6–7), 733–736.
- Antonova, S. B. (2019). *Sovremennye kliniko-epidemiologicheskie osobennosti zabolevaemosti dermatomikozami u detei. Optimizatsiia diagnosticheskikh, mediko-profilakticheskikh tekhnologii* [Modern clinical and epidemiological features of dermatomycoses morbidity in children. Optimization of diagnostic and preventive technologies] (Candidate’s dissertation). Yekaterinburg, Russia.
- Antonova, S. B., & Ufimtseva, M. A. (2018). *Trikhofitiia u detei* [Trichophytosis in children]. In *Aktual'nye voprosy sovremennoi meditsinskoi nauki i zdravookhraneniia: Materialy III Mezhdunarodnoi nauchno-prakticheskoi konferentsii molodykh uchenykh i studentov* (pp. 193–196). Moscow, Russia.
- Atzori, L., Pau, M., & Aste, N. (2012). Dermatophyte infections mimicking other skin diseases: A 154-person case survey of tinea atypica in Italy. *International Journal of Dermatology*, 51(4), 410–415.
- Belousova, T. A. (2003). *Dermatofitii — aktual'naia problema sovremennoi dermatologii* [Dermatophytoses as a relevant problem of modern dermatology]. *Russkii meditsinskii zhurnal*, 11(17), 980–984.

7. Broad-range fungal PCR versus culture for fungal infection diagnosis. (2016). *Medical Mycology*. <https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/27349889/>
8. Butov, Yu. S., Skripkin, Yu. K., & Ivanov, O. L. (Eds.). (2013). *Dermatovenerologiya. Natsional'noe rukovodstvo: Kratkoe izdanie* [Dermatovenereology. National guidelines: Short edition]. GEOTAR-Media.
9. Carrascal-Correa, D. F., Zuluaga, A., & González, A. (2020). Species distribution of dermatophytosis in Colombian patients. *Mycoses*, 63(5), 494–499. <https://doi.org/10.1111/myc.13073>
10. Chen, J., et al. (2021). Qualitative accuracy of clinical dermatophytes via MALDI-TOF MS: A meta-analysis. *Medical Mycology*, 59(12), 1174–1180. <https://doi.org/10.1093/mmy/myab049>
11. Cruz, A. H. S., et al. (2022). Relevance of nutrient-sensing in *Trichophyton rubrum* and *T. interdigitale* pathogenesis. *Frontiers in Fungal Biology*, 3, 858968. <https://doi.org/10.3389/ffunb.2022.858968>
12. Daniel, C. R. (1991). The diagnosis of nail fungal infection. *Archives of Dermatology*, 127(10), 1566–1567.
13. Dukik, K., et al. (2020). Molecular and phenotypic characterization of *Nannizzia*. *Mycopathologia*, 185(1), 9–35. <https://doi.org/10.1007/s11046-019-00336-9>
14. Ely, J. W., Rosenfeld, S., & Seabury Stone, M. (2014). Approach to superficial fungal infections. *American Family Physician*, 90(10), 702–710.
15. Eshboev, E. Kh., et al. (2021). Terining yuqimli va parazitlar kasalliklari hamda ularning laboratoriya diagnostikasi [Infectious and parasitic skin diseases and their laboratory diagnostics]. Tashkent, Uzbekistan.
16. Gnat, S., et al. (2021). Detection and identification of dermatophytes: A comparative study. *Journal of Applied Microbiology*, 130(1), 278–291. <https://doi.org/10.1111/jam.14778>
17. Guarro, J., Summerbell, R. C., & Samson, R. A. (2003). *Onygenales: The dermatophytes, dimorphics and keratin degraders*. CBS.
18. Hay, R. J., & Ashbee, H. R. (2017). *Fungal infections*. In *Rook's Textbook of Dermatology* (9th ed.). Wiley-Blackwell. <https://onlinelibrary.wiley.com/doi/abs/10.1002/9781118441213.rtd0033>
19. Karimzadegan-Nia, M., et al. (2007). Comparison of direct smear, culture and histology in onychomycosis. *Australasian Journal of Dermatology*, 48(1), 18–21.
20. Khismatullina, Z. R., & Kharisova, A. R. (2018). Trudnosti diagnostiki infiltrativno-nagnoitel'noi mikrosporii: Klinicheski sluchai [Diagnostic difficulties of inflammatory microsporia: A clinical case]. *Problemy meditsinskoi mikologii*, 20(4), 31–33.
21. Kuliaev, K. A., Epifanova, A. Yu., Katkova, I. O., et al. (2013). Kliniko-diagnosticheskie paralleli infiltrativno-nagnoitel'noi mikrosporii i glubokoi trikhofitii [Clinical and diagnostic parallels of inflammatory microsporia and deep trichophytosis]. *Saratovskii nauchno-meditsinskii zhurnal*, 9(3), 601–604.
22. Kuznetsova, N. P., Chashchin, A. Yu., & Patina, V. L. (2003). Dinamika zaboлеваemosti dermatofitiami v Irkutskoi oblasti [Dynamics of dermatophytosis incidence in the Irkutsk region]. In *Uspekhi meditsinskoi mikologii: Materialy I Vserossiiskogo kongressa po meditsinskoi mikologii* (Vol. 2, p. 85). Moscow, Russia.
23. Lencastre, A., et al. (2013). Advances in dermatophyte infections. *Journal of Fungi*. <https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/23937326/>
24. Molecular diagnostics in medical mycology. (2018). *Current Fungal Infection Reports*. <https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/30510235/>
25. Nucleic acid-based molecular fungal diagnostics. (2024). *Journal of Fungi*. <https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/38472992/>
26. Ovchinnikov, R. S., et al. (2022). Aprobatsiya differentsial'no-diagnosticheskoi sredy "DTM-Expert" dlia diagnostiki dermatofitii [Evaluation of the differential diagnostic medium "DTM-Expert" for dermatophytosis diagnosis]. *Immunopatologiya, allergologiya, infektologiya*, (1), 53.

27. PCR-based diagnosis of human fungal infections. (2009). *Expert Review of Molecular Diagnostics*. <https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/19968513/>
28. Rippon, J. W. (1988). *Medical mycology: The pathogenic fungi and the pathogenic actinomycetes* (3rd ed.). W.B. Saunders.
29. Sergeev, A. Yu., & Sergeev, Yu. V. (2008). *Gribkovye infektsii: Rukovodstvo dlia vrachei* [Fungal infections: A guide for physicians]. BINOM.
30. Stepanova, Zh. V., Grebeniuk, V. N., Vorob'eva, I. A., et al. (2001). Diagnosticheskie oshibki pri zooantroponoznoi trikhofitii [Diagnostic errors in zooanthroponotic trichophytosis]. *Vesti dermatologii i venerologii*, (6), 36–38.
31. The molecular diagnosis of invasive fungal diseases with PCR. (2025). *Diagnostics*. <https://www.mdpi.com/2075-4418/15/15/1909>
32. Yakshibaeva, L. A., & Knyazeva, O. A. (2021). Dermatomycoses: Features of diagnosis and therapy. *European Journal of Natural History*, (2), 47–51.
33. Yakovlev, A. B. (2014). Sovremennye kontseptsii terapii mikrosporii i trikhofitii [Modern concepts of therapy for microsporia and trichophytosis]. *Rossiyskii zhurnal kozhnykh i venericheskikh boleznei*, (6), 22–29.
34. Yakovleva, I. V. (2009). *Zdravookhranenie v evropeiskikh stranakh: Zdorov'e migrantov* [Healthcare in European countries: Migrant health]. *Nauchnye problemy gumanitarnykh issledovaniy*.

БИОМЕДИЦИНА ВА АМАЛИЁТ ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ БИОМЕДИЦИНЫ И ПРАКТИКИ
JOURNAL OF BIOMEDICINE AND PRACTICE

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000